

Тарика тақсимлашни билиш



12:11 / 06.08.2025 776

Мархумдан кейин қолган пул, буюм ёки кўчмас мулк каби нарсалар тарика дейилади. Ушбу тарика меросхўрлар ўртасида уларнинг улушларига кўра тақсимланади. Мархумдан қолган мерос ҳар бир меросхўрга унинг улушига қараб берилади. Тарикани тақсимлашни билишнинг бир неча йўллари бўлиб, пул ва буюмлар борасида уларнинг энг машҳури иккитадир:

Биринчи йўл. Меросдан бир улуш қийматини чиқариб, сўнгра уни ҳар бир меросхўрнинг улуши ададига кўпайтириб юборамиз. Шунда ҳар бир меросхўрнинг меросдаги улуши ҳосил бўлади.

Иккинчи йўл. Меросхўрлардан ҳар бирининг улуши жамланмасини чиқариб оламиз. Бу ҳар бир меросхўрнинг улушини мероснинг миқдорига кўпайтириш ва сўнгра уни масаланинг аслига ёки тасҳиҳига бўлиш билан бўлади. Ҳосил бўлган натижа ҳар бир меросхўрнинг улушидир.

Биринчи йўлга мисоллар

а) Бир киши вафот этиб, ортидан хотини, қизи ва ота-онаси қолди. Ундан 480 динор тарика қолган. Ушбу меросхўрларнинг тарикадан улуши қандай бўлади? (1-жадвал)

1-жадвал

24

480 динор меросни 24 га, яъни масаланинг аслига бўламиз. 20 ҳосил бўлади. Ушбу 20 динор бир улуш қийматидир.

Хотин $\frac{1}{8}$ олганда уч улушга эга бўлади: $3 \times 20 = 60$.

Қиз $\frac{1}{2}$ олганда 12 улушга эга бўлади: $12 \times 20 = 240$.

Ота асаба бўлиб қолган 5 улушни олади: $5 \times 20 = 100$.

Она $\frac{1}{6}$ олганда 4 улушга эга бўлади. $4 \times 20 = 80$.

б) Бир аёл вафот этиб, ортидан туғишган иккита синглиси, онаси, эри ва ўғлининг қизи қолди. Ундан 960 динор мерос қолган. Ушбу меросхўрларнинг меросдан улуши қандай бўлади? (2-жадвал)

2-жадвал

**Масаланинг
тушуриш**

**Мақсуднинг
2
тўғригаташ**



$960:24=40$. Мана шу 40 динор битта улушнинг қийматидир.

Икки туғишган сингилнинг улуши: $2 \times 40=80$ динор.

Онанинг улуши: $4 \times 40=160$ динор.

Эрнинг улуши: $6 \times 40=240$ динор.

Ўғилнинг қизининг улуши $12 \times 40=480$ динор.

Жами йиғинди: 960 динор.

в) Бир киши вафот этиб, ортидан тўртта қизи, иккита ўғли, ота-онаси ва учта туғишган акаси қолди. Тарика 3000 динор қолган. Ушбу меросхўрларнинг улуши қандай бўлади? (3-жадвал)

3-жадвал

**Масалани
2
тўғрилаш**

3000:12=250. Ушбу 250 динор битта улушнинг қийматидир.

Масала 6 дан 9 га авл бўлди.

$9900:9=1100$. Ушбу 1100 динор битта улушнинг қийматидир.

Эрнинг тариқадан улуши: $3 \times 1100 = 3300$ динор.

Туғишган сингилнинг тариқадан улуши: $3 \times 1100 = 3300$ динор.

Она бир иккита ака-уканинг тариқадан улуши: $2 \times 1100 = 2200$ динор.

Момонинг тариқадан улуши: $1 \times 1100 = 1100$ динор.

Жами йиғинди: 9900 динор.

Иккинчи йўлга мисоллар

а) Бир аёл вафот этиб, ортидан эри, онаси, иккита қизи, ўғлининг учта қизи ва ўғлининг ўғли қолди. Ундан 585 динор тарика қолган. Ушбу меросхўрларнинг тарикадан улуши қандай бўлади? (5-жадвал)

5-жадвал

12

Масала 12 дан 13 га авл бўлди.

Эрнинг меросдан улуши: 135 динор

Онанинг тарикадан улуши: 90 динор

Иккита қизнинг тарикадан улуши: 360 динор

Жами йиғинди: 585 динор.

б) Бир аёл вафот этиб, ортидан иккита туғишган акаси, ўғлининг қизи, онаси ва эри қолди. Ундан 240 динор тарика қолган. Ушбу меросхўрларнинг тарикадан улуши қандай бўлади? (6-жадвал)

6-жадвал

**Исраилнинг
туғилган**



Икки туғишган аканинг меросдан улуши: 20 динор.

Ўғилнинг қизининг меросдан улуши: 120 динор.

Онанинг меросдан улуши: 40 динор.

Эрнинг меросдан улуши: 60 динор.

Жами йиғинди: 240 динор.

в) Бир киши вафот этиб, ортидан онаси, туғишган иккита синглиси, ота бир синглиси, ота бир иккита ака-укаси ва ўғлининг қизи қолди. Ундан 1500 динор мерос қолган. Ушбу меросхўрларнинг меросдан улуши қандай бўлади? (7-жадвал)

7-жадвал

Онанинг улуши: 250 динор.

Иккита туғишган сингилнинг улуши: 500 динор.

Ўғилнинг қизининг улуши: 750 динор.

Жами йиғинди: 1500 динор.

«Ислom шариатида мерос илми» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.

